



ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ  
MILITARY  
INV. №

# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2009 йил 7 август, № 155 (4818)

Жума

**МУСТАҚИЛЛИК БИЗ УЧУН — ЎЗЛИГИМИЗНИ АНГЛАШ, ЮРТ ТИНЧЛИГИ ВА БАРҚАРОРЛИГИНИНГ, ИНСОН МАНФААТИ, ЭРКИНЛИГИ ВА ФАРОВОНЛИГИНИНГ, БИЗ КЎЗЛАГАН ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ БАРПО ЭТИШНИНГ ГАРОВИДИР.**

## МАМЛАКАТ

бўйлаб

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

**АНДИЖОН.** Булоқбоши туманининг маҳалла ва қишлоқлари шу кунларда улкан қурилиш майдонини эслатади.

### Муносиб армуғон

Гап шундаки, тумanning шаҳар ва қишлоқларида бунёдкорлик ишлари жадал суръатларда олиб борилмоқда. Жумладан, виллоят марказини Кулла қишлоғи билан боғловчи йўлга асфальт ётқизилди. Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлайдиган марказлашган сув насоси таъмирланмоқда. "Ўзтрансгаз"нинг туман бўлими ишчилари эса газ қувурларини янгилаш билан банд. Айтиш лозимки, бу ишлар учун жами 525 миллион сўм маблағ сарфланаётир.

О. ШОДНОАЛИЕВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

**ФАРҒОНА.** Бешариқлик тадбиркор З. Набиев Президентимизнинг наманганлик фермерлар билан бўлган учрашувда айтган маслаҳатларидан келиб чиқиб, пайпоқ ва нотўқима маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган корхона ташкил этди.

### Бешариқда

янги корхона

Ҳозир бу ерда 110 киши самарали меҳнат қилмоқда. Уларнинг саъй-ҳаракати билан қисқа вақтда 200 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланиб, бозорларга чиқарилди. Ушбу корхона тўла қувват билан ишлаб бошлагач, яна 100 та иш ўрни яратилади.

Н. СОБИРОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН.** Кейғали тумани марказида барча қулайликларга эга бўлган маиший хизмат кўрсатиш маркази иш бошлади.

### Марказ иш бошлади

Ушбу марказ таркибиде тикувчилик цехи, ошхона, савдо дўкони, устакхона ва сартарошхона каби ўндан ортиқ хизмат кўрсатиш шохобчалари мавжуд. Айни пайтда бу ерда 25 нафар киши ишлаётганлиги эътиборлидир.

Х. АҲМЕДОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

**ЖИЗЗАХ.** Шаҳардаги "Кўк бозор", "Эски шаҳар бозори", Ҳамид Олижон боғи, Сайилжойи академик лицейи, Транспорт алоқа касб-ҳунар коллежи ҳамда виллоятнинг барча туман марказларида "Мактаб бозорлари" ишлаб турибди.

### «Мактаб бозори»га

марҳамат

Уларда 27 турдаги ўқув қуроллари, мактаб кийимлари ва бошқа анжомлар савдога қўйилган. Айни пайтда мазкур бозорларнинг фаолиятини самарали ташкил этиш ва нарх-наволарни назорат қилиш мақсадида тегишли комиссиялар иш олиб бормоқда.

Б. САТТОРОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## САРМОЯ — ИҚТИСОДИЙ ЮКСАЛИШ ОМИЛИ



18 йил

Мамлакатимизда чет эл инвесторлари учун яратиб берилган қулай шарт-шароитлар туфайли иқтисодий тармоқларига инвестициялар, хусусан, тўғридан-тўғри хориж сармомаларини жалб этиш ҳажми йил сайин ошиб бормоқда. Натижада ҳар йили кўплаб янги корхоналар ишга тушириляпти. Буни Сурхондарё виллояти мисолида ҳам кўриш мумкин.

### Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган

Виллоятда хориж инвестицияси иштирокида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, мавжудларига замонавий технологияларни жорий этиш ҳисобига экспорт салоҳияти юксалиб бораётгани, айниқса, қувонарлидир. Масалан, жорий йилнинг ўтган даврида хорижга сотилган маҳсулотлар ҳажми белгиланган режадагидан ошиб, 78,8 миллион АҚШ долларига тенг бўлди. Бунда, жумладан, «Шингонг Спиннинг Термиз» Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонасининг ҳам муносиб улуши бор.

Гап шундаки, бу ерда ишлаб чиқарилаётган жаҳон стандартларига мос калава ипларнинг асосий қисми экспорт қилинади. Корхонада шу йилнинг биринчи ярмида қарийб 710 тонна калава ип ишлаб чиқарилган бўлса, унинг 72 фоизи Хитой ва Жанубий Кореядаги мижозларга сотилди. Пировадиде экспорт ҳажми 735 миң АҚШ долларидан ошди. — Яқин икки-уч йил ичида мато тўқиш ҳамда харидордир кийим-кечақлар тиқишни ҳам йўлга қўймоқчимиз, — дейди қўшма корхона бош директори Александр Ян. — Бунинг учун имкониятлар бор: хом ашё арзон, ишчиларимиз малакаси етарли, ишлаб чиқариш инфраструктураси такомиллаштирилмоқда.

Асосийси, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози салбий оқибатларининг олдини олиш мақсадида республика ҳукумати томонидан қабул қилинган қатор қўзғатларда экспорт қилувчи корхоналар учун имтиёзлар берилди. Бу бизга катта қўмақ бўлаётир. Бундан

юмғули фойдаланиб, корхонамизнинг экспорт салоҳиятини янада оширмоқчимиз. Бугунги кунда қўшма корхонада ишлаётган ички ва хизматчиларнинг сони 230 нафардан ортиқ бўлиб, уларнинг аксариятини ёшлар ташкил қилади. Яқинда бу ерга яна 20

нафар коллеж битирувчисини ишга жалб этиш режалаштирилгани диққатга сазовордир. **СУРАТДА:** корхона пилташ бўлимининг илгор ишчиси Лайло Шодиева. **Гулбаҳор ТАҒИРОВА.** Ҳасан ПАЙДОВЕВ олган сурат.

## «ТОШКЕНТ — ШАРҚНИНГ ОЛТИН ДАРВОЗАСИ»

Мамлакатимиз пойтахтининг 2200 йиллик юбилей арафасида Россиянинг "ИнфоРос" ахборот агентлигига қарашли "ИнфоШОС" сайтида эълон қилинган мақола ана шундай деб номланган.

"Ўзбекистон пойтахти — Тошкент ўзининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўрмоқда, — деб ёзади ахборот-таҳлилий портал мухбири. — Ер юзиде тарихи милотдан аввалги даврларга бориб тақалладиган қадимий шаҳарлар унчалик кўп эмас. Уларнинг аксарияти мозий синовларига бардош бера олмаган. Лекин Тошкент тарих синовларини мардонатор енгиб, хозиргача гуллаб-яшнаб турибди".

"Маданиятлар мулоқоти" рукини остида нашр этилган мақолада аждодларимиз яшаш маконини жуда муҳирлик билан танлашгани таъкидланади.

"Шарқ дарвозаси"га айланиш насиб этган Тошкентга айнан Яксарт (Сирдарё) бўйидаги турли ўтроқ ва кўчманчи халқлар маданияти, иқтисодий ва этно-

### Дунё нигоҳи

қилиш нигоҳи билан айнан Яксарт (Сирдарё) бўйидаги турли ўтроқ ва кўчманчи халқлар маданияти, иқтисодий ва этно-

қилиш нигоҳи билан айнан Яксарт (Сирдарё) бўйидаги турли ўтроқ ва кўчманчи халқлар маданияти, иқтисодий ва этно-

энг муҳим вазифа саналган. Балки шаҳарнинг ўзи ҳам унинг номи каби муҳим бўлсин деб шаҳарликлар уни "тош шаҳар" деб атагандирлар. Тошкент тақдирини унинг аҳолисинга хос бўлган довураклик муҳим аҳамият касб этган, албатта. Шунинг учун бўлса керак, шаҳар таърифини кўп бор эшитган ва унинг жаннатмақом маскан эканини яхши билган Искандар Мақдуний шаҳар деворларига яқинлашиб қолган бир пайтда қўшинини нега ортага бургани хозиргача маълум эмас. Ривоятларда айтилишича, шаҳар химоачиларидан бирининг ўқи буюк саркарданнинг дубулғасига тегиб, уни

(Давоми 2-бетда).

## ШОНАДАН — ГУЛГА, ГУЛДАН — КЎСАККА

Президентимиз шу йил 2 июль куни наманганлик фермерлар билан ўтказган мулоқотлари чоғида аграр соҳадаги ислохотларнинг туб моҳиятини аниқ-равшан қилиб тушунтириб бердилар: бугунги фермер битта йўналиш билан чегараланиб қолмаслиги, қишлоқ хўжалигига илгор технологиялар татбиқ этиши зарур.

Дарҳақиқат, дехқончилик кишидан доимо изланишни, интилишни ва фидойий меҳнат қилишни талаб этади. Бунга фермер хўжалигимиз фаолияти мисолида яна бир қарра ишонч ҳосил қилдим. Хусусан, биз жорий йилда галла майсаларини сугоришда янги усулни қўллаб, мўл ҳосил етиштирдик. Гектар ҳисобида ўртача 71,2 центнердан, яъни 129 тонна ўрнига 235 тонна бугдой йиштириб олдик.

Сугоришнинг янги усулига тўхталсак, ривождан орқада қолаётган майсаларга оби-ҳаёт тарашда магнитдан фойдаландик. Биласиз, дехқончиликда фойдаланилаётган сув кимёвий жиҳатдан қаттиқ модда ҳисобланади. Агар сувга магнит солинса, табиатнинг қарам-

қаршилик қонунига кўра, ионлар пайдо бўлади, унинг таъсиридан эса сув юмшади. Пировадиде бу экин учун ниҳоятда зарур бўлган ўғит ва маъданлардан иборат элементларнинг тўлиқроқ ўзлаштирилишига ёрдам беради.

Айни кунларда 21 гектар ердаги гўзани ҳам шу усулда сугораямиз. Натижада ниҳолларнинг ривожини 10 кун тезлатишга эришдик. Маълумки, бу йилги кўпкам об-хавоси, айниқса, андижонлик дехқонларни яна бир синовдан ўтказди. Биз гўзанинг тупроқ-иклим шароитимизга мос бўлган "Андижон-35" навини танлаб, чигитни пуштага қадаганимиз туфайли шундай му-

раккаб вазиятдан чиқиб кетдик: юқори намгарчиликка қарамай, ни-сў ҳолларни бир текис ундириб олдик.

### Август — пахта ҳосилига ҳосил қўшадиغان ой

Кўзда шудгорланган ерга пушта олинишининг аҳамияти шундаки, замин тезда тобига келиб, экиннинг ривожини, хусусан, пахтаининг тез пишиши таъминланади.

Шу билан бирга, бугунга қадар гўза қатор ораларига ишлов бериш ўн мартадан ошиб кетди. Ҳозир ҳам култиватор даладан чиққани йўқ. Шунинг учун ҳар бир туп ниҳолда 15-16 тадан бўлиқ кўсақ, 15-20 тадан ҳосил тугунчаси мавжуд. Шона

ва гуллар ҳам август ойи охиригача тўқ кўсақка айланади.

Буни ишонч билан айтишимизнинг боиси бор: асад ойи кириши билан гўза парваршига эътиборни янада кучайтирдик. Жумладан, жўяларга суви фақат "шарбат" усулида тараямиз. Яъни, гектар ҳисобига ўртача 15 тонна маҳаллий ўғит билан тўйинган суви расамади билан оқизаямиз. Бунинг экинга фойдаси ниҳоятда катта. Биринчи галда, сув иқтисод қилинади. Қолаверса, гўзани минералларга бўлган талабини қондиради. Маҳаллий ўғитга тўйинган экин эса магзи тўқ кўсақ тўплайди.

Август ойида, шунингдек, гўзани чеканка қилишнинг аҳамияти катта. Биз бу тадбирни гўза шохлари 14 тага етганда бошлаган эдик. Бугун бу юмуш тўлиқ удаланди. Пировадиде экин энга ўсиб, шоналар

гулларга, гуллар эса кўсақларга айланапти.

Гўзамиз баравж ривожланишининг яна бир сабаби даламизда зараркунанда ҳашаротларнинг йўқлигидир. Бунга, табиийки, уларга қарши биологик усулда ишлов бериш орқали эришдик. Гап шундаки, фермер хўжалигимиз қошида биологик тарихи тўлиқ этганмиз. Бу ерда тайёрланаётган "Бракон", "Трикограмма", "Олтинкўза" сингари биомаҳсулотлар, ҳатто ўнлаб фермерларнинг эҳтиёжини қондирапти.

Август ойида шу тарика муҳим агротехника тадбирларини сифатли бажараётганимиз, ҳосил тугунчаларини зараркунандалардан ишончли тарзда ҳимоя қилаётганимиз туфайли мўл ҳосил олишга умид қилиб турибмиз. Насиб этса, гектар ҳисобига 35 центнердан ошириб пахта етиштиришимиз.

Кўчқорвой ТУРДИАЛИЕВ, Олтинкўз туманидаги «Обод водий соҳовати» фермер хўжалиги раҳбари, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди.

### Хушхабар

Таиланд пойтахти Бангкокда яккакураш спорт турлари бўйича давом этаётган I Осиё ўйинларининг бешинчи куни Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари учун омадли келди.

### МУҚАДДАС — ОСИЁ ЎЙИНЛАРИ ГОЛИБИ!

Мусобақа дастуридаги миллий спортимиз — кураш бўйича ҳамюртимиз Муқаддас Кубеева (48 кг.) финалда таиландлик Орнареея Конгоенни мағлубиятга урғатиб, терма жамоамиз ҳисобига биринчи олтин медалини тўхфа қилди. Таъкидлаш лозимки, Муқаддас бугунги кунда мамлакатимизнинг энг иқтидорли курашчиларидан ҳисобланади. У 2007 йили Мўғлистонда ўтказилган жаҳон чемпионатида бронза медалини кўлга киритган эди.

+100 килограмм вази тоифасида гиламга чиққан полвонимиз Икром Нуруллаев эса финалда қозғистонлик Бейбут Истибобевга кичик

ҳисобда имкониятни бой бериб, кумуш медал билан тақдирланди. Жиу-житсу баҳсларида Элёрбек Акбаров (85 кг.) саралаш босқинида покистонлик Мухаммад Ашиқ Хусейн ва таиландлик Креанграй Суваннатчани бир хил — 13:3 ҳисобда мағлубиятга урғатди. Ҳал қилувчи беллашувда ироқлик Мурта Маҳмудга ютқазиб қўйди ва кумуш медал соҳиби бўлди.

Эслатиб ўтамиз, ҳозирча Ўзбекистон терма жамоаси битта олтин, 4 та кумуш ва 4 та бронза медали билан қирқдан ортиқ мамлакат спортчилари орасида ўнинчи ўринда бормоқда.

### ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДАГИ МУВАФФАҚИЯТ

Анқара (Туркия) шаҳрида эркин ва юнон-рум кураши ҳамда аёллар кураши бўйича ёшлар ўртасида навбатдаги жаҳон чемпионати давом этмоқда.

Нуфузли мусобақада юнон-рум кураши бўйича Ватанимиз шарафини химоя қилган Азизбек Муродов (74 кг.) финалда қозғистонлик икки қарра Осиё чемпиони Досжан Картиковни енгиб, жаҳон чемпиони деган шарафни номга сазовор бўлди.

З. ЖОНИБЕКОВ тайёрлади.

### КРЕДИТЛАР АГРАР ТАРМОҚ РИВОЖИГА ЙЎНАЛТИРИЛМОҚДА

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилётгани, хусусан, дехқон ва фермер хўжалиқлари, қайта ишлаш корхоналари моддий-техник ҳамда молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватланаётгани ўз самарасини бермоқда.

Уларнинг фаолияти тобора яхшиланиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши йил сайин ошиб бораётгани бунга далил бўла олади. Жумладан, жорий йилнинг олти

ойи мобайнида республикада қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми 4,6 фоизга ўсди.

### Анжуман

(Давоми 2-бетда).

Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, оналар ва болалар соғлигини таъминлаш давлат сибсатининг устувор йўналишларидан бири саналади. Хусусан, соҳага тааллуқли ўндан ортиқ қонунлар, давлатимиз раҳбарининг утга фармони, қатор қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари мамлакатимиз фуқаролари соғлигини сақлашда ҳуқуқий қарорлар бўлиб хизмат қилмоқда. Чунинчи, Юрбощимизнинг "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида"ги Фармони бу борада мустақам лойиҳа вазифини ўтамоқда. "Соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастури амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида"ги фармонлари соғлиқни сақлаш тизимининг барча бўғинларида ислохларнинг амалга оширилишида муҳим дастуриламал бўлмоқда.

# СИФАТЛИ ТИББИЙ ХИЗМАТ

қишлоқ врачлик пунктларида ҳам намунали даражада кўрсатилиши лозим

Буларнинг барчаси, пировардида, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш қўламлигини кенгайтириш, сифатининг яхшиланishiга замин яратди. Бирламчи тиббий санитария ёрдами тизимини ислоҳ қилиш, қишлоқ врачлик пунктлари (ҚВПлар)ни барпо этиш ва уларнинг моддий-техника базасини мустақамлашга доир сарф-хароқатлар жойларда ўзининг ижобий самарасини бераётир.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бугунги кунда республикамиз аҳолисига 3146 та ҚВП бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатаётир. Уларни зарур тиббий асбоб-ускуналар, аппаратлар, жиҳозлар ва сарф материаллари билан таъминлаш учун давлат бюджети маблағлари қаторида имтиёзли инвестиция ҳамда ҳомилик маблағлари ҳам жалб қилинди. Мисол учун, биргина 2005 йилда ҚВПларни ташкил этишга 6 млрд. 300 млн. сўм сарфланган. Булар, табиийки, фуқароларимизнинг, айниқса, қишлоқ аҳолисининг тиббий хизматига бўлган эҳтиёжини тўла ва сифатли қондиришда муҳим аҳамиятга эга. Аслида аҳоли соғлиқини сақлашга оид қўламлигини, Президентимизнинг юқорида кайт этилган фармонлари ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда ҚВПлар зиммасига бир қатор вазифалар юқулган. ҚВПларнинг мана шу талаб ва қондалар асосида ишни ташкил этиши, албатта, халқимизнинг тиббий хизматидан фойдаланишига доир конституций ҳуқуқини рўйбга чиқаришда аий муқаддир.

Шу нуқтаи назардан, қолаверса, жорий йилнинг Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили деб эълон қилинганлиги муносабати билан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси яқинда Пархент тумани ҳокимлигида ўтказган "Қишлоқ врачлик пунктларида даволаш-профилактика ишларининг сифат самардорлигини ошириш масалалари" мавзусидаги давра суҳбатида масаланинг мана шу жиҳатига алоҳида эътибор қаратди.

Дарҳақиқат, бугун жойлардаги соғлиқни сақлаш тизими мутасадди ходимларидан, ҚВПлар шифокорларидан беморларга бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш, аҳоли ўртасида турли хилдаги юқумли, вирусли, усма, токсик-аллергик, эндокрин, тумна ногиронлик каби касалликларнинг олдини олишда фалолроқ, жонқуярроқ бўлиш талаб этилади. Чунки соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишда, яъни ҳудудлардаги тиббий-профилактика ишлари самардорлигини ошириш, атироф-муҳитни соғломлаштириш, аҳоли онига соғлом турмуш тарзи қондаларини чуқур синдириш, соғлом авлод туғилиши ва уни парваршилаш билан боғлиқ тиббий маданиятини шакллантириш ҳар бир тиббиётчи ҳодими зиммасига катта масъулият юқайди. Бироқ ҚВПлар ҳолати билан танишар эканмиз, улар талаб даражасида эмаслиги кўзга ташланди. Масалан, аксарият ҚВПлар беморларни тиббий кўриқдан ўтказиш ва аниқ таъхис қўйишга кўмаклашадиган тиббий асбоб-ускуналар

билан тўлиқ таъминланмаган. ҚВПларнинг айримларида тиббий кадрлар етишмаслиги ёки уларда касб малакасининг сезилган даволаш-профилактика ишларининг сифатига сезиларли таъсир кўрсатади.

Маълумки, тиббий жиҳозларни ишлатишнинг ўзига хос талаблари

## Жараён

мавжуд. Бироқ айрим ҚВПлардаги мутахассислар хоналари, айниқса, эмлаш хоналари, гинеколог кабинетлари, муолажа хоналари санитария ҳолатига жавоб бермайди. Шунингдек, тиббий ҳужжатларни юритишда тартибсизликка йўл қўйилаётгани, таъхис қўйиш ва беморга тавсиялар бериш, муолажалар белгилашда амалдаги қонунчилик талаблари бузилаётгани ачинарли ҳоллар.

Ишга ҳафсала билан ёндашиш, амалдаги тартиб-таомилларга тўғри юриш этиш ҚВП ходимлари зиммасидаги оддий вазифалар. Аммо айрим ҚВПлар хоналари эшикларидики, деворларидаги ёзувларда қўпол хатоликларга йўл қўйилгани кишини ўйга тоддиради.

Юқорида кайт этилгандек, соғлиқни сақлаш тизимида кечаётган ислохотлар асосан давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Бу эса, табиийки, ушбу маблағлардан оқилана ва самарали фойдаланишни, уларга имкон қадар кўпроқ ҳажмда ҳамда сифатли тад-

бирларни бажаришни тақозо этади. Урганишларимиз мобайнида иссиқлик, электр таъминоти, қурилиш, таъмирлаш, қаттиқ ва юмшоқ жиҳозлар билан таъминлаш, бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиш каби масалалар ҳам ўз ўрнида ҳал этилмаганлиги аниқланди. Айрим ҳолларда ҚВПдаги хоналар, умумий майдон бунда хизмат кўрсатилиши лозим бўлган аҳоли сонига нисбатан олганда талаб даражасида эмас. Бу ҳолат Тошкент вилоятининг Чиноз туманидаги "Ўзбекистон", Эшон

Қишлоқ врачлик пункти нафақат аҳолига биринчи тиббий ёрдам кўрсатиши, балки уларни тиббий хизмат ҳақида ахборотлар билан таъминлаш бориши, мамлакатимизда соғлиқни сақлашга доир қонунчиликдаги ўзгаришлар хусусида фуқароларга ахборот бериши аий заруратдир. Аммо биз таширф буюрган ҚВПларнинг биронтасида соҳага доир қонун ҳужжатларига дуч келмадик. Ваҳоланки, ҳамма соҳада мутасаддилар ҳаракатлари, фаолияти қонунлар билан тартибга солинган. Айниқса, гап инсон саломатлиги ва ҳаётини муҳофаза қилиш ҳақида кетганда, амалдаги қонунларимизнинг аҳамиятини унутмаслик лозим.

Соҳадаги бу каби муаммоларни изчилик билан бартараф этиб бориш, қишлоқларимизда тиббий хизмат сифатини ошириш — давр талаби. Шу маънода, истиқболда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ҚВПларга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳаракатдаги буйруқ ва тегишли ҳужжатларини мониторингдан, ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш, ҚВПлар шифокорлари ва соҳа ходимларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш муҳимдир. Хусусан, Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида"ги Фармонида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, ишлар микёсини кенгайтириш ва муносабати ўзгариштириш аий муқаддир. Айниқса, бирламчи тиббий-санитария ёрдами ислоҳ қилиш масалаларига жиҳдий эътибор қаратган ҳолда ҚВПлардаги даволаш-профилактика ишлари сифатини, тиббий ҳужжатлар юритиш ҳолатини танқидий таҳлил қилиб чиқиш ва тегишли чоралар кўриш керак. ҚВПларни малакали кадрлар билан таъминлаш мақсадида маҳаллий ижро ҳокимияти органлари билан ҳамкорликда ёш тиббий ходимларни ишга жалб этишнинг самарали механизминини ишлаб чиқиш ва улар меҳнатини рағбатлантириш йўлга қўйиш, тиббиёт ходимларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ишнн тизимли юришти, ислохотларга ўзгача — янгина, алоҳида маъсулият билан ёндашу тақозо этилади.

Зеро, буларнинг барчаси Юрбощимиз раҳномалигида қабул қилинган ҳуқуқий мажмуаларнинг ҳаётга самарали татбиқ этилишига, пировардида эса, фуқароларимиз, айниқса, оналар ва болалар соғлигини таъминлашга хизмат қилиди.

**Зухра БОТИРОВА,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

# «ТОШКЕНТ — ШАРҚНИНГ ОЛТИН ДАРВОЗАСИ»



(Давоми. Боши 1-бетда).

жиҳдий эсанкратиби қўйган ва ёш Искандар бу шаҳарга яхшичи ҳужум қилиш керак эмаслигини аниқлаб етган... "InfoShOS" мухбирининг таъкидлашича, қадимий шаҳарда амалга оширилган кенг микёсли илмий излашлар 2000 йиллар бошларида Ўзбекистон пойтахтининг ёши 2200 йилни ташкил этишини аниқлаш имконини берди. Ўзбекистонлик археологларнинг бу кашфиёти ЮНЕСКО Бош конференциясининг 34-сессиясида Тошкентнинг 2200 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш учун асос бўлди. 2008 йилнинг 2 апрелида эса Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг "Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори эълон қилинди.

амалга оширилган ишлар пойтахт кўришини бутунлай ўзгариштирди борди, — деб таъкидланади "InfoShOS"да. — Бугун Тошкент нафақат йирик иқтисодий, илмий ва маданий марказ, балки, аввало, Ўзбекистоннинг халқроқ майдонда жадал юқалиб бораётган нуфузининг рамзи ҳамдир".

Бугунги Тошкент — илмфан ва маданият маркази. Уни ҳақли равишда инсоният цивилизацияси тараққиётига салмоқли ҳисса қўшган халқлар дўстлиги ва тинчлик рамзи, деб атаса бўлади.

"Байрам арафасида Тошкент байрамона кўришини оломоқда. Мамлакат Президентининг ташаббуси билан бунёд этилган ва 2000 йилда тантанали очилган "Шаҳидлар хотираси" мемориал мажмуасидаги музей кенгайтирилиб, "Қатагон қўрбонларини ёд этиш" биносини очилди, музей экспозицияси янгилабди, янада бойитилди, — дейди нашр. Пойтахт юбилейи олдиндан қўлаб китоб, плакат, буклетлар, шунингдек, Тошкент Энциклопедияси нашр этилди. Лекин энг катта совға — бу пойтахт марказида қад қўйилган улугвор Форумлар Саройидир. Бу замонавий ва муқташам бино 1-2 сентябрь, яъни байрам кунларида дунёнинг турли бурчакларидан Ўзбекистон пойтахтига таширф буюрган меҳмонларга илк маротаба ўз эшикларини очди".

**«Жаҳон» АА,**  
Москва

## Бунёдкорлик

Президентимизнинг 2007 йил 1 июндаги "2007-2011 йиллар даврида қурилиш корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технология қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида"ги қарори ижроси бўйича 2008 йилда Жиззах вилоятида ўтказилган тендер савдоларида 244 та объектнинг 179 таси қурилишига даъвогар сифатида 595 та корхона иштирок этиди.

## МОДЕРНИЗАЦИЯ МЕВАСИ

2007-2008 йиллар мобайнида, шунингдек, 5 та қурилиш ташкилоти Тошкентдаги "Қурилиш-Лизинг" компанияси орқали умумий қиймати 951775 АҚШ долларлик 14 турдаги қурилиш техникаларини олиб келди. Утган йилнинг февраль ойида эса вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан бир гуруҳ йирик қурилиш корхоналарининг раҳбарлари Хитой Халқ Республикасида бўлиб, замонавий технологиялар ҳамда энг илгор тажрибалар билан танишиб қайтишди.

Дарҳақиқат, Жиззах вилояти ҳокимлигининг "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси буюртмалари асосида ишлаётган пулрат ташкилотларининг моддий-техника базаси йил сайин мустақамлашиб бормоқда. Жумладан, "Урта Осмё меймор" ва "Коронадон" хусусий фирмалари, "Қамол" кўп тармоқли қурилиш корхонаси қисқа фурсатда қарийб 600 минг АҚШ долларлик машина ва кичик механизмларни харид қилишди. Бундан ташқари, "Мафтуна", "Алмаз", "Мерос" кўп тармоқли хусусий фирмалари ва бошқа ўнлаб қурилиш жамоалари янги машина-механизмларга эга бўлишди. Бу, ўз навбатида, уларнинг барқарор фаолият юритишини таъминламоқда. Утган йилни тендер савдоларида гилиб чиққан ташкилотлар тегишли қурилиш объектларини шартли бошлангич баҳосидан салкам 1,5 миллиард сўм иқтисод қилган ҳолда бунёд этиш тақлифларини тақдим этганлари бунинг далилидир.

Қўвончлиси, вилоятдаги техник ва технология қайта жиҳозланган, малакали мутахассисларга эга 6 та қурилиш ташкилоти бу йил мамлакат микёсидаги объектларда бевосита иштирок этишга тавсия қилинди. Бу улар учун катта ишонч, албатта.

**Баҳриддин САТТОРОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

# КРЕДИТЛАР АГРАР ТАРМОҚ РИВОЖИГА ЙЎНАЛТИРИЛМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва "Агробанк" очик акциядорлик тижорат банки томонидан ташкил этилган "Фермер хўжаликлари, агрофирмалар, қайта ишлаш корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлашда банкларнинг аҳамияти" мавзусида ташкил этилган матбуот анжуманида шу ҳақда сўз борди.

Таъкидландики, шу йилнинг биринчи ярим йиллигида тижорат банклари томонидан деҳқон ва фермер

хўжаликларига 110,4 миллиард сўм, агрофирмаларга 1,8 миллиард сўм, гўшт ва сутни қайта ишловчи корхоналарга эса 12,2 миллиард сўм миқдорда кредит берилди.

Бундан ташқари, фермер хўжаликларида қишлоқ хўжалиги экинларининг агротехника тадбирларини ўз вақтида самарали ўтказиш учун ўтган йили 1 триллион сўм маблағ ажратилган бўлса, бу йил ушбу мақсадларга 1 триллион 200 миллиард сўм маблағ йўналтирилиши режалаштирилган.

Дарҳақиқат, Президентимизнинг 2009 йил 30 мартдаги қарори билан ташкил этилган "Агробанк" акциядорлик тижорат банки томонидан, айтиш жоизки, ўтган қисқа вақт ичида иқтисодиётнинг аграр секторини янада ривожлантириш, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, фермерлик характерини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш борасида бир талай ишлар амалга оширилди.

Хозирги кунда республи-

камизда ушбу молия муассасасининг 13 та вилоят бошқармаси, 186 та шаҳар ва туман филиали, 173 та махусу кассаси ҳамда 720 та мини банки 217 миңдан ортиқ юридик, 261 миңдан зиёд жисмоний шахсларга намунали банк хизматлари кўрсатиб келмоқда.

Эътиборлиси, жорий йилнинг утган даврида банк кредит қўйилмалари 1 триллион 252 миллиард сўмин ташкил қилиб, унинг 617,8 миллиард сўмини ёки 57 фоизи иқтисодиётнинг аграр тармоғига, 167,7 миллиард сўми

ёки 14 фоизи саноат соҳасига йўналтирилди.

Маълумки, "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурида қишлоқда аҳоли турмуш даражасини янада юқсалтириш, ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси билан бир қаторда агро-саноат мажмуини ривожлантириш бўйича устувор вазифалар белгиланган. Бугунги кунда "Агробанк" очик акциядорлик банки ва бошқа молиявий муассасалар томонидан ажратилаётган маблағлар, кўрсатилаётган хизматлар ана шу мақсадларни рўйбга чиқаришга хизмат қилаётгани анжуманда алоҳида кайт этилди.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

Сардоба туманидаги "Ориан-Ҳафиз" қўшма корхонасида фермер хўжаликлари ва хонадонларда паррандачиликнинг ривожини ўқун қўлай имконият яратилди.

## Илғор технология афзаллиги

Бу ерда Россия — Германия технологиялари билан жиҳозланган инкубаторий ишга туширилди. Бир муқддатда 50 миңга жўжа етказиб берадиган ушбу инкубаторийнинг ишга туширилиши билан бир неча қишлоқ ёшлари доимий иш ўринларига эга бўлдилар.

**А. ШЕРНАЗАРОВ.**

## 2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

Қишлоқда тонг отди.

Ҳали осмон ёришмаган бўлса-да, далаларда экинларни чопик қилиб, сув тараётган деҳқонларни, мевали дарахтлар оралаб юрган доғбонлару ишга отланган ёш-ялангларни, томорқаси билан андармон кишиларни, тандирларда оловни гуриллатиб, нон ёпишга, сигир соғишга чоғланган, ҳовлиларини уйлариининг остоналарини супуриб-сидираётган бекалар ва келинчаларни учратасиз. Бу манзара, айниқса, Уктам ака Нуриддиновга таниш. Чунки у саҳарлаб қишлоқни бир айланиб келмаса, кўнгли жойига тушмайди.

Илгари ҳайдовчилик қиларди. Мана, қарийб ўн йилдирки, Тошкент вилояти Бўстонлик туманидаги Қоранқўл қишлоғини обод қилиш, қўқаламзорлаштириш, аҳоли турмуш шароитини яхшилаш йўлида хизмат қилиб келмоқда.

Қоранқўлдаги 606 та хонадонда 2896 нафар аҳоли яшайди. Айтиш жоизки, ўтган даврда бу қишлоқ истиқлол нуридан чароғон гўшага айланди. Газ келтирилди, ичимлик суви таъминоти йўлга қўйилди, қишлоқ врачлик пунктининг ҳашамамли биносини қурилиб, ишга туширилди.

Буларнинг бари ўз-ўзидан бўлгани йўқ, албатта. Бу ишлар давлатнинг кўмаги, халқнинг кучи билан, энг муҳими, ҳашар усулида амалга оширилди. Хусусан, ўн бир-ўн икки километр олис жойдан тоза сув олиб келиш мақсадида қишлоқ фуқаролар

йиғини раиси ҳали вилоят, ҳали туман ҳокимлигига югурди, тегишли идоралар билан масъула ҳатлашди. "Интиланган толе ёр" деганларидек, ниҳоят, 20 миңдаки, мазкур пунктдан эндиликда нафақат Қоранқўл, балки қўшни Қизилсув қишлоғи аҳолиси ҳам шифо топмоқда.

— Бизни қувонтирган яна муҳим аниқликлардан бири қишлоғимизга табиий газ келгани бўлди, — дейди Ўктам ака. — Бу масаланинг ечимини "Тошвилоят ҳудудий газ таъминоти" корхонаси жамоасининг хиссаси катта бўлди. "The buling king" хусусий фирмаси



# ОБОД МАҲАЛЛАЛАР, ФАЙЗЛИ ГЎЦАЛАР...

саломатлиги учун ҳамма нарса муҳайё эканлигини айтмайсизми! 16 нафар врач ва ҳамшира беминнат хизмат қилишяпти. Дикқатга сазовор томони шундаки, мазкур пунктдан эндиликда нафақат Қоранқўл, балки қўшни Қизилсув қишлоғи аҳолиси ҳам шифо топмоқда.

— Бизни қувонтирган яна муҳим аниқликлардан бири қишлоғимизга табиий газ келгани бўлди, — дейди Ўктам ака. — Бу масаланинг ечимини "Тошвилоят ҳудудий газ таъминоти" корхонаси жамоасининг хиссаси катта бўлди. "The buling king" хусусий фирмаси

эса 90 кун давомидида қурилиш-монтаж ишларини олиб борди. Марказий газ тармоғидан 4 километрдан зиёдроқ масофага ўрта босимли қувурлар ётқизиilib, 17 та гўз тақсимлаш нуқтаси ўрнатилди. Илгари қум-ғонда чой қайнатиб, ўқоқда овқат пилишардик. Айниқса, тоғдаги дарахтларнинг ўтин учун кесилаётганини кўриб, юрагимиз ачишарди. Мана, мустақиллигимиз шарофати! Мавриди келиб қолди, ана бир янгиликни айтмасам бўлмайди. Шу пайтатча қишлоққа телефон туширилмаган эди. "Ўзтелеком" компанияси кўмағида 100 хо-

надонга телефон туширилди. Ҳозир бу иш давом этмоқда. Бугунги кунда қишлоқда битта ўрта мактаб, битта алоқа бўлими, бешта тижорат дўкони мавжуд. Мактабда замонавий спорт зали барпо этилмоқда, қишлоқ кўчалари асфальтланаяпти. Насиб этса, ана шу бунёдкорлик ишлари ҳам Мустақиллик байрамига қадар ниҳоясига етказилади.

— Президентимиз таъкидлаганчдек, ўсиб келаётган авлод-

лар йиғини раиси қўллаб қўйишнинг инсонларнинг номини тилга олди. Чорвачиликка ихтисослашган "Одил" фермер хўжалигининг раҳбари Турсунбой Абдуллаев — шундай кишилардан бири. Унинг яқинда фаолият бошлаган "Одил-маркет" дўкони "Ҳазалкент-Чорвоқ" йўлининг ёқасида жойлашган. Бу ерда ёғ, гўшт, сут-қаймоқ, нон, яхна ичимликлару ширинликлар — юздан ортиқ озиқ-овқат махсулотлари сотилмоқда.

— Гўшт, ёғ ва сут махсулотлари ўзимизнинг хўжаликдан чиқади, — дейди Турсунбой ака. — Фермер хўжалигинида уч юзга яқин қорамол парвариланади. 244 гектар еримиз бор. 40 киши иш билан банд. 80 бош соғин сигирнинг ҳар бирдан кунига 10-20 литрга сут соғиб олинмоқда.

"Одил маркет" дўкониинг пештоқидаги "Махсулотлар — ўзимизники!" деган ёзувини ўқиб, рости, тадбиркорга ҳавасимиз келди. Ахир, "Ўзимизники" дегани "Шу юртники, шу халқники" деган маънони англатмайди? Бу сўзларни тилга олишининг ўзи қанчалар кўтаринки руҳ, фахр ва гурур бағишлайди, кишига.

Шундай фидойи фарзандларни бор эл ҳеч қачон кам бўлмайди.

**Раҳимжон ОРИПОВ,**  
Эркин УСМОНОВ.

Қоранқўл қишлоғи фуқаро-

**ЖАҲОН** 24 соат ичида

**Автобус ҳалокати**


Колумбия шимоли-шарқида автобус жарга кулаб тушди.

Маҳаллий "Caracol" радиостанциясининг хабар қилишича, фалокат Букамаранг ва Какут шаҳарларини бир-бирига боғловчи йўлда юз берган. Натижада олти киши ҳалок бўлган, 12 киши тан жароҳати олган. Фожиа вақтида автобусда 25 нафар йўловчи бўлган.

Дастлабки маълумотларда ҳалокатта транспорт воситаси шинасининг ёрилиб кетиши сабаб қилиб кўрсатилмоқда.

**Парвозлар бекор қилинди**

Япониянинг жанубида жойлашган Окинава оролларида яқинлашган келаётган кучли тропик тўфон тўғрисида ҳудуддаги самолётлар парвози вақтинча бекор қилинди.



Метеорология хизмати маълумотларига қараганда,

табиий офатнинг тезлиги соатига 198 километрни ташкил этмоқда. Шу боис ҳозиргача бу ерда 81 та йўналишдаги рейс бекор қилинган. Бундан ташқари, тўфон кемалар қатновига ҳам ҳавф солиши мумкинлиги огоҳлантирилди ва улардан фойдаланмай туриш тавсия этилди.

**Таъминот тақиқланди**

Ироқ ҳукумати Бағдод шарқида жойлашган қочқинлар қароргоҳини сув ва озиқ-овқат билан таъминлашни чеклаб қўйди, дейилади "Reuters" ахборот агентлиги хабарига.

Айтиб ўтиш керак, мазкур қароргоҳда 20 йилдан буён эронлик уч ярим минг нафар қочқин истиқомат қилади. Хозирда Ироқ ҳукумати уларнинг ўз ватанига қайтарилишини ёки бошқа бирор давлатга олиб чиқиб кетилишини талаб этаяпти. Шу мақсадда Ироқ қўшинлари 28 июль кuni қароргоҳга ҳужум уюштирган ва натижада етти нафар муҳожир ҳалок бўлган.

**Қидирув давом этмоқда**

Тинч океанида йўловчи кемаси фалокатга учради.

Янги Зеландия яқинидаги Тонга оролларида юз берган кўнгилсизлик сабаб 33 киши бедарак йўқолган. Айни пайтда фожиа юз берган ерда Янги Зеландиялик кутқарувчилар иш олиб боришмоқда. Тезкор чора-тадбирлар натижасида 42 киши кутқариб қолинган.

**Дам олиш масканидаги қадимий қолдиқлар**

Италия пойтахти Рим шаҳри жанубида жойлашган Неттуно дам олиш маскани ҳудудидан қадимий жангчининг суяк қолдиқлари топилди.

"Telegraph"нинг хабар қилишича, мутахассислар унинг 4,5 минг ёшга тенг эканини бидирганлар. Бундан ташқари, суяк қолдиқлари турган жойдан керамикадан ясалган бир неча кўзача ва учли пайконлар ҳам топилган.

Айни пайтда Нелло дея номланган ушбу скелет ва қадимий ашёлар Рим музейига топширилган. Археологлар дам олиш маскани ҳудудида бундай қадимий осори-атиқалар яна бўлиши мумкинлигини таъкидлашмоқда.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

**НИЯТИ УЛУҒ, ҚАДАМИ ҚУТЛУҒ**

Қумқўрғонлик Эргаш Бобоқуловнинг ёши эллиқдан ошган бўлса-да, ҳамон велосипеддан тушмайди. У велосипед минишини 3 ёшида ўрганган. Ўсмирликда спортнинг шу тури бўйича мактаплараро ташкил этилган мусобақаларда қатнашиб, биринчилики бошқага бермаган. Ҳозир у "Бобоқул бобо" фермер хўжалиги раҳбари. Лекин сихат-саломатликини қадрайди, ўзининг ҳаммаиша соғлом ва бақувват бўлишида велоспорт билан мунтазам шуғулланиши асосий омил эканини яхши билади.

Шунча даромади билан ҳам Эргаш фермер хали велосипеддан тушгани йўқ. "Нексия", "Ласетти" миниши Изланиш

мумкин эди. Аммо қизиқмади. Унингча, инсон, аввало, соғлом бўлиши керак. Сихат-саломатлик эса, кўп жиҳатдан, жисмоний ҳаракатга боғлиқ. Фермер "Велосипед минганимда, томиларимдаги қон яхши айланади. Бу мияга ҳам озуқа дегандир", дейди. Шунингдек, унинг фикрича, деҳқоннинг машинаси бўлмаса-бўлмасин, лекин қишлоқ хўжалик техникалари доимо ишга шай тур-

моғи шарт. Бундай техникаларни у йигирматага етказди. Энди эса дон ўрайдиган комбайн, ер ҳайдайдиган йирик трактор хариб қилмоқчи. "Бобоқул бобо" фермер хўжалигида 150 киши ишлайди.

— Шартнома мажбуриятидан ортиб қолган галладан хонадонимизга 9 тонна буғдой тўқди, — дейди хўжалик ишчиси Саодат Аминова. — Ҳар ойнинг учинчи ўн кунлигида маош оламиз. Иш бошида иссиқ овқатимиз тайин. Хўжалик ўз ҳисобидан бизни матбуот нашрларига обуна қилдирган. Ҳақимиз десак, кундалик газета-журналлар бор.

Ҳамқишлоқлари фермердан "Қанчон енгил машина минасиз?" деб сўраган экан, у "Йиллик даромадимизни бир миллиард сўмга етказганимиздан сўнг балки, оларман", деб жавоб қайтарибди.

Дарҳақиқат, бугун қишлоқ хўжалигидаги ислохотлар фермерларни ана шундай юксак марраларга ундапти.

О. УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

**"Росагропромснаб" МЧЖ**

**ТУРЛИ ХИЛ ГАЗ ЖИҲОЗЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ**

- УЛЬТРАТОВУШЛИ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ
- 5 м<sup>3</sup>/соатдан 500 м<sup>3</sup>/соатгача БЎЛГАН ГАЗ ТАҚСИМЛАГИЧ ШКАФЛАРИ
- ЮҚОРИ, ЎРТА ВА ПАСТ БОСИМЛИ ГАЗ МЕЪЁРЛАГИЧЛАРИ
- ПЗК ФИЛЬТРАРИ, ИЗО МУФТАЛАРИ

Маҳсулот сертификатланган.

Т./ф.: 273-16-40, 276-90-57, 276-97-90.

Манзили: Тошкент ш., Чилонзор мавзеси, Ц.даҳсан, 6-уй. Мўлжал — «Шўхрат» дўкони жойлашган чорраха.

**Ибрат**

Қарши шаҳридаги "Зарафшон ЭКО" хусусий корхонаси раҳбари Ш. Холиқов нафақат тадбиркорлиги, балки саховатпешалиги билан ҳам эл хурматини қозongan.

**САХОВАТПЕША ТАДБИРКОР**

Яқинда тадбиркор "Табассум" маҳалласида гузар қуриб, фойдаланишга топширди. Ушбу янги гузардан маҳалла фуқаролари йигини идораси, савдо дўконлари ҳамда ўнлаб инфратузилмалар жой олди. Шу кунларда саховатпеша тадбиркор "Кувонч" мактабгача тарбия муассасасида таъмирлаш ишларини олиб бормоқда. Айни пайтда у Қўшқак қишлоғига тоза ичимлик суви етказиш ишларига ҳам ҳомийлик қилапти.

Б. НОРҚОБИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

**КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ВА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!**

**«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АК «ШАҲАРЛАРАРО АЛОҚА КОРХОНАСИ» ФИЛИАЛИ**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида минглаб километр узунликда металл қобикли ва замонавий шиша толали магистраль алоқа линиялари ётқизилганини ва ишлаб турганини эслатиб ўтади.

Республика Телекоммуникация тармоқларини реконструкциялаш ва ривожлантириш миллий дастурига мувофиқ, алоқа тизими жадал ривожланмоқда, замонавий узатиш тизими билан жиҳозланган янги алоқа линиялари қурилмоқда. Алоқа линиялари муҳофазасини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 майдаги 210-сонли қарори билан «Телекоммуникация линиялари ва иншоотларини кўриқлаш қондалари» қабул қилинган ва тасдиқланган. Унда барча корхоналар, ташкилотлар, муассасалар раҳбарлари ҳамда жисмоний шахслар томонидан ушбу қондаларга амал қилиш ва магистраль алоқа кабеллариغا шикаст етказмасликлари шартлиги кўрсатиб ўтилган.



Шаҳарлараро алоқа линияларининг шикастланиши алоқа корхоналарига моддий зарар етказиши, халқаро, шаҳарлараро алоқалар, ахборотлар узатиш тизимларида тўхташлар юз беришига олиб келади. Эсада тўтин! Алоқа линияларини шикастланган корхоналар, ташкилотлар ва жисмоний шахслар алоқа корхоналарига келтирилган моддий зарарини тўлайдилар. Қандайдир ер қазини ва қурилиш ишларини амалга ошириш зарурати туғилиб қолган тақдирда, сиз кабель трассасини ўзбошимчалик билан аниқлашга уринманг, буни фақат бизнинг вакилимиз амалга оширади. Куйидаги телефонларга мурожаат қилиб, кабель магистраль линиялари ўтган жойлар ҳақида тўлиқ маълумот олишингиз мумкин. Кабель участкаси манзили кабель жойлашган трасса белгисига кўрсатилган.

**Магистраль алоқа линияларини эксплуатация қилувчи боғламалар манзиллари ва телефонлари:**

<b>«Шаҳарлараро алоқа корхонаси» филиали:</b> Тошкент ш., А.Толстой к., 23-уй, ком-р.	244-61-08, 232-01-26, 244-29-59, 238-12-89, 244-29-93, 177-06-46
Пахта кўргони	250-36-79, 177-06-46
0-ЛКЦ Тошкент ш. КУ-1 Тўйтепа ш. КУ-1 Ф. л. Ангрэн ЛТЦ Бекобод	21-306, 21-121, 177-06-49 2-27-61, 177-06-47 2-54-11, 177-06-64
<b>1-Шаҳарлараро магистраль алоқа техник боғламаси манзили:</b> Тошкент ш., А. Хўжаев к., 29-уй.	235-36-59 265-80-43
КУ-1 Тошкент ш., Буюк Ипак йўли к., 264-уй. КУ-2 Янгийўл ш., Чарикова к., 172-уй. КУ-3 Тўйтепа ш., Бобур к., 40-уй.	168-72-86 168-48-51
<b>2-ШМАТБ манзили:</b> Кўкун ш., Истиклол к., 58-уй. КУ-2 Бешарик тум. маркази, Сирдарё к., 9-уй. КУ-3 Наманган ш., Нуробод мавзеси, телеминора. КУ-4 Андижон ш., Чўлпон к., 9-уй. КУ-5 Янгиқўрғон тум. маркази, Чустий к., 1-уй.	55-2-24-71 61-2-23-66 25-08-82 22-23-81 52-9-24-55
<b>3-ШМАТБ манзили:</b> Гулистон ш., Дўстлик кўр. КУ Сирдарё ш. КУ Жиззах ш. ЛТЦ-2 Янгийер ш. КУ Даштубод ш.	27-16-20 57-28-98, 57-34-36 77-05-27, 6-22-07 72-30-28, 72-30-24 8-372-382-10-06
<b>4-ШМАТБ манзили:</b> Булунгур ш., Самарқанд к., 18-уй.	33-52-60
<b>5-ШМАТБ манзили:</b> Бухоро ш., Гиждувон к., 69-уй.	223-38-37
<b>6-ШМАТБ манзили:</b> Нукус ш., Ашқобод к., 1-уй. КУ Тўртқўл ш. КУ Беруний ш.	222-37-07, 222-00-43 532-30-60, ички 1-42 524-30-60, ички 1-38
<b>7-ШМАТБ манзили:</b> Термиз ш., Гагарин к., 32-уй. ЛТЦ-16 Денов ш.	3-59-07 7-37-62
<b>8-ШМАТБ манзили:</b> Қарши ш., Хуснобод к., 1-уй. ЛТЦ-15 Ғузор ш.	221-02-41 55-22-1-67
<b>9-ШМАТБ манзили:</b> Урганч ш., Дўсов к., 2-уй.	226-36-58, 226-36-33
<b>10-ШМАТБ манзили:</b> Навоий ш., Кармана к., 2-Б-уй. КУ-3 Каттақўрғон ш. КУ-4 Гиждувон ш.	224-75-21 45-5-24-54 57-2-14-75

Кабель магистраль алоқа линиялари муҳофаза зонасига рухсатсиз кириб ишлаш ва уларга шикаст етказувчи ҳар қандай турдаги ишларни бажариш,

- рухсатсиз қурилиш ишлари олиб бориш ва иншоотларни тиклаш;
- кабель магистраль алоқа линиялари трассалари устидан йўл ва ўтиш жойлари ўтказиш, автомобиль, трактор ҳамда бошқа транспорт воситалари учун тўхташ жойлари қуриш, жамоатчилик боғлари ва томорқалар ташкил этиш;
- кабель магистраль алоқа линиялари ўтган жойларни кўрсатувчи огоҳлантириш устуларини ва белгиларини ўзбошимчалик билан кўчириш, сийдириш, қўмиб юбориш;
- турли хил тоғ, қурилиш-монтаж ва портлатиш ишларини олиб бориш;
- кабель магистраль алоқа линиялари муҳофаза зонасидан қудуқлар қазини, шурф қурилиши ҳамда геологик, геодезия ва бошқа қидирув ишларини олиб бориш;
- турли хил чиқиндилар ташлаш, кислота, туз ва илҳор эритмаларини туқиш;
- магистраль линиялари ўтган ерда гулханлар ёқиш ТАҚИҚЛАНАДИ!

**ХУШЁР В ЭХТИЁТКОР БЎЛИНГ!**  
**АЛОҚА КАБЕЛЛАРИНИНГ ШИКАСТЛАНИШИГА ЙЎЛ ҚУЙМАНГ!**  
ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.  
«Ўзбектелеком» АК «Шаҳарлараро алоқа корхонаси» филиали.

**Хизмат**

Гиждувонлик тадбиркор Бахшулло Самадовнинг «Барака» деб номланган хусусий корхонаси кўп тармоқлиги билан ажралиб туради.

**«БАРАКА»НИНГ БАРАКАЛИ ИШЛАРИ**

— Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шох-бачамизда 35 нафар уста ишлаяпти, — дейди у. — Уларнинг барчаси Тошкентдаги «Тойота-сервис» корхонасининг махсус курсларида ўқиб, тажриба тўплашган. Биз дастлаб автомобилларни компьютер диагностикасидан ўтказамиз. Эҳтиёт қисмлар эса махсус дўконимизда етарлидир.

Шоҳбача ёнида новвойхона, ошхона ишлаб турибди. «Барака-Файз-Бахшулло» фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Хусусий корхонага қарашли «Дилдора-Дилобар» шифохонаси эса энг замонавий тиббий ускуналар билан таъминланган. Шу ёрнинг ўзида дорихона ҳам бор. Ҳозир «Барака»да 200 нафардан зиёд киши иш билан банд. Тадбиркор нафақат туман маркази, балки қишлоқларда ҳам сервис хизматини йўлга қўйгани диққатга молиқдир. Чунончи, ҳозир Гаждумак қишлоғида «Бахт уйи» тўйхонаси, замонавий ҳаммом мавжуд. Жорий йилда яна бир нечта қишлоқда маиший хизмат кўрсатиш шох-бачалари очиб режалаштирилмоқда.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

**SONATA** Ўз йўлингни танла!

КАФОЛАТ — 2 ЙИЛ. МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

**HYUNDAI** Official Partner Tel. 250-11-11

**«TITAN BIZNES» МЧЖ**

Тошкентдаги омборхонадан ўзи ишлаб чиқарган

**ЎҚУВ ПАРТАЛАРИНИ 60.000 СЎМДАН ТАКЛИФ ҚИЛАДИ**

+ (99871) 233-06-25  
+ (99898) 127-54-64

Маҳсулот сертификатланган

**ОФИЦИАЛЬНЫЙ ДИСТРИБЬЮТОР**

**ПРЕДЛАГАЕТ СО СКЛАДА В Г. ТАШКЕНТЕ**

**КОТЛЫ ЧУГУННЫЕ ОТОПИТЕЛЬНЫЕ «КЧМ»**

РАБОТАЮЩИЕ НА ПРИРОДНОМ ГАЗЕ, ЖИДКОМ И ТВЕРДОМ ТОПЛИВЕ, СООТВЕТСТВУЮЩИЕ РОССИЙСКИМ И ЕВРОПЕЙСКИМ СТАНДАРТАМ. КПД ОТ 79 ДО 90%

**а также:**

**КАФЕЛЬ** (облицовочный и напольный)

**САНТЕХНИКА** (унитазы, умывальники в большом ассортименте)

**ЧУГУННЫЕ ВАННЫ, ДУШЕВЫЕ ПОДДОНЫ**

Тел.: 333-71-55, 402-69-89, факс 267-35-73.

Торговый магазин: ул. Уста Ширин, 125, внутри строительного рынка № 127. zakamsk-group@mail.ru

**«САНИПЛАСТ»** Ўзбекистон — Исроил қўшма корхонаси

томчилатиб сугориш тизимларини ишлаб чиқаришда кўп йиллик тажрибага эга бўлган, Ўзбекистонда ягона корхона сифатида ғўзани, боғ ва иссиқхоналарни томчилатиб сугориш тизимларини

сотиб олишни таклиф этади.

«Санипласт» лойиҳаларини амалга оширади, материалларни етказиб беради ва монтаж ишларини бажаради.

Бизнинг мутахассисларимиз экинларни сугориш ва ўғитлашда маслаҳатларини аямайдилар.

Сервис хизмати кўрсатиб, эҳтиёт қисмларини етказамиз.

**Хизмат сифатига кафолат берамиз**

Мурожаат учун манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100187, Тошкент шаҳри, «Корасув-4» мавзеси, 11-уй. Телефонлар: 265-18-56, 265-16-91.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясини хайрати ҳамда касеба уюшмаси билан ҳамкорликда «У.Р. Ф.А. касеба уюшмаси» билан ҳамкорликда раисин Шерзод Жўраева палатри бузруквори СУЛТОНБОЙ отанинг вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Мирзо Удубек номидаги Ўзбекистон Миллий университети жамоаси хорижий филология факультетининг инглиз тилишунослиги ва таржима назарияси кафедраси муdiri, филология фанлари номзоди, доцент Дилбар Турабоевага волидаи мухтарамасини ШАРОФАТ аянинг вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

# Кўнгил жиёбони

## Меҳрим Изҳор этай...

Музей ҳам хилхона қадар муқаддас,  
Шоҳин солимайдди бу ерда зинҳор.  
Осориақиқа сокин берар сас,  
Бунда аждодларнинг уйғоқ руҳи бор.

Камони Чочий бу — машхури жаҳон,  
Қай бир бобом қийган ушбу жомани.  
Илкис қуриб қолдим дўсти қадрдон —  
Сувқадан йўнлиган қалам — хомани.

Мўъжизага жазман бани одамзод,  
Хайратга ҳамиша талабгор олам.  
Биринчи мўъжиза мана шу ҳаёт,  
Биринчи иккинчишу — хом — қалам!

Масиҳдан аввалроқ, милоддан нари,  
Бинкат осмонига сочган қатим нур  
Энг қадим идрокнинг тасавурлари,  
Биринчи даҳодан мерос тафаккур!

Кўзойнагин артиб бўйинбоғига,  
Қайта тиклади оқсуяк жаноб.  
Маърифат ахтарган зот сўроғига  
Ундоз белгисидек шу хом жаювоб.

Танга-терсақларда жозоба бордир,  
Қилич-туфанларда давво, истило.  
Вале, кимки қалам тутмоққа қодир  
Дилда эзгулик, зеҳнида зий.

Чин солномалари "Чже" деб ёзган,  
Камон товушини эслатар бу сўз.  
Боболар хат боғлаб камондан узган:  
"Бизга чин дўст керак, садоқатли дўст!"

Нурга чулғадими Миср кўкини  
Буруқсаб Искандар кутубхонаси?  
Бобил таназзули битди ўқиниб,  
Қадимий ўзбекининг суяк хомаси.

Бу шундай элдирки, қон-қонигача,  
Сувқ-суякка қадар маърифат.  
Бир ёруғ сўз учун жонидан кечар,  
Дунёга омонлик тилайди фақат.

Кўҳақийнинг қутлуғ қўллари тутган,  
Шошйлар илкда азиз бу қалам.  
Битса, дўсту ёрга мактублар битган,  
Хом билан яқдил бўлгандир қалб ҳам.

Қодирий қўлини қайирган қаттол  
Дилмига сиёдек сочган аламини.  
Кейин ёқа тутган ақли шошиб, лол,  
Ойбек бармоғида қуриб қаламини.

Биларсиз, Оқсарой пештоқларига  
Зур Темурий ҳисмат ёзилганини.  
Биларсиз, Тошкентнинг янги тарҳига  
Қаламда тахрирлар чизилганини.

Ватаним саждагоҳ каби муқаддас,  
Тошканди азимнинг сирли саси бор.  
Зўдирдек айланган чоғ қурраи арз  
Тилич нуқта топган мадрасаси бор.

Тошкент — севганлики, ой — ҳамманики,  
Меҳрим изҳор этай дилома билан.  
Фарзандлар сафида турбман токи,  
Қўлда отамерос шу хом билан.

Иқбол МИРЗО,  
Ўзбекистон халқ шоири.

Гул гунча бўлур, кўрса юзини чаман ичра...  
Одатда, гул гунчага эмас, аксинча,  
гунча очилиб, гулга айланади. Ушбу газалада Сақокий  
«Чаман ичра унинг юзини кўрса, гул гунчага айланади», дейди. Халқимизда  
«Уялганидан ерга кириб кетай деди», деган ибора бор. Мазкур мисрани балки  
шундан келиб чиқиб, изоҳласа бўлар. Яъни, унинг ҳусну малохатини қўриб, ўзининг  
ҳусни ҳеч нарсага арзимаслигини англаган гул уялганидан ўзига бурканиб олди,  
бошқача айтганда, очилганига пушаймон бўлиб, қайта ёпилди ва  
аввалги ҳолига қайтди, яъни гунчага айланди.

Ўзинча гул-гул очилиб, даврани  
ёритаянман, деган ҳаёлда мағрур  
ёнаётган шам ҳам унинг юз шув-  
ласини кўргач, ўзи сочаётган нур-  
нинг қанчалик хира ва заифлигини  
сезиб, титроққа тушди.

Ким кўрди анинг эрни  
менинг ёшимча менгзар,  
Бир лаъл Бадахшондаю  
бир дур Адан ичра.

Бу байтнинг мазмунини тушуниш  
учун аввал ундаги сўзлар маъно-  
сини ойдинлаштириб олайлик: эрн —  
лаб, менгзар — ўшар, лаъл —  
қизил рангли ялтироқ қимматбахо  
тош. Маъшуканинг қизил лабини  
унга нисбат берадилар. Бадахшон  
лаъли — лаълнинг энг аёло нави  
бўлади. Дур — марварид, катта  
марварид. Адан дури — энг аёло  
дур. Адан — Яманнинг жанубида  
жойлашган шаҳар. У ўзининг аёло  
сифатли дурлари билан машхур.

Энди байтнинг мазмунини тушу-  
нишга ҳаракат қилайлик:

## ГУЛ ГУНЧА БЎЛУР...

«Унинг лаби билан менинг кўз  
ёшим ўртасида нима ҳам нисбат,  
яқинлик бўлиши мумкин: Бадахшон  
лаъли қаердаю Адан дури қаёқда?»

Дарҳақиқат, маъшуканинг лаби  
билан ошқининг кўз ёши ўртасида  
нима нисбат бўлсин? Зоҳиран ҳеч  
қандай боғлиқлик йўқ, лекин боти-  
нан боғлиқлик мавжуд: ошқининг  
кўз ёши маъшуканинг лаблари ту-  
файлдир.

Бўю юзу лаъл эрну  
хаддина туш йўқ,  
Сарву гулу мул,  
настарину ёсуман ичра.

Хад — ёнок. Туш — бу ерда та-  
раф маъносиди. Сарв — тик ўса-  
диган, игнабаргли, ҳамиша кўм-кўк  
бўлиб яшнаб турадиган хушқомат  
дархат. Мумтоз адабиётда маъшу-  
қанинг гўзал қадди-қомати сарвга

нисбат берилади. Мул — май, ша-  
роб. Настарин — новдаларда  
ғужум-ғужум бўлиб очиладиган оқ  
ёки қизил гул. Ёсуман — оқ, кўк,

Бир газал шарҳи

сарик хушбўй гуллари бўлган ўсим-  
лик.  
Бу байтда шоир мумтоз шеъри-  
ятдаги лаффу нашр санъатидан  
фойдаланиб, маъшукани таъриф-  
таъриф қилади. Бу санъат шундан  
иборатки, аввал нарсалар санала-  
ди, кейин уларнинг сифати келти-  
рилади. Чунончи, мазкур байтнинг  
биринчи мисрасида маъшуканинг  
бўйи, юзи, лаби, хатти, ёноғи тил-  
га олиниб, иккинчи мисрада улар-  
нинг нимага ўхшаши нават билан

келтирилган: бўйи — сарвга, юзи  
— гулга, лаби — майга, хатти —  
настаринга, ёноғи — ёсуманга  
ташбеҳ қилинган.

Жоду кўзини Кашмир эли  
халқи кўрубон,  
Туттуқ, дедилар,  
сени мусаллам бу фан ичра.  
Кашмир қизлари ўларининг  
гўзаллиги ва жозибаси билан маш-  
хур. Кашмирий дейилганда кўпин-

юзинг ўн минглик лашкар ичида  
ҳам ярқ этиб, кўзга ташланиб  
туради».

Юзунг била лоф ургали  
кун лобда уёлгай,  
Шамъе эрур ул гояти  
ер-кўк лаган ичра.

Лоб — лоф, мактаниш. Лаган —  
шамдон.

«Кўёш юзинг билан баҳслашгу-  
дай бўлса, бундай лоф ургани учун  
ўз лофидан ўзи уялғай. Чунки юзинг  
куёш олдига осмондаги куёш  
шамдондаги шам қабиридир».

Сақоки (Йўдин, э жон,  
гаминг элчиси тилар жон,  
Жон бирла равоң қилдим  
агар бўлса тан ичра.

Бу ерда биргина жон сўзи маъ-  
шуқа, жон ва чин дилдан, ихло-  
с билан маъноларини билдирмоқда:  
«Эй гўзал, гаминг элчиси Сақо-  
кийдан жон тилади, агар у сўраган  
жон танимда мавжуд бўлса, жоним  
билан уни берганим бўлсин!»

Ушбу газал таҳлиладан Сақо-  
кийнинг ҳасос ва дилбар лирик  
шоир эканлигига яна бир қарра тан  
берасан, киши. Шақлан содда, ус-  
лубан равоң, мазмунан теран  
газаллар муаллифи бўлган Сақо-  
кий ўзининг бадиий баркамол асар-  
лари билан ўзбек адабиёти тари-  
ҳида ўзига хос ўрин тутди.

Эргаш ОЧИЛОВ.



Шаҳримиз гўзал-а, дугонажон!..

Темур ҚҮРБОНОВЕВ олган сурат.

## Ё қ у ш

Қадимдан зийнатли тошлар улкан коинотнинг  
митти зарраси сифатида қадрлаб келинади. Чунон-  
чи, уларда ўзига хос қувват манбаи борлиги ва бу  
манба инсонга маълумдек ёқинлиги олимлар  
аллақачонлар исботлаб беришган.

Ҳинд кохинлари нодир  
тошлар одам ва осмон ўрта-  
сидаги ҳароратни муътадил-  
лаштириди деб ҳисоблашса,  
хитойликлар нодир тошлар-  
ни муродо мақсадларга ет-  
казувчи тилсим, деб били-  
шади.

Ана шундай тилсим тош-  
лардан бири ёқутдир. Унинг  
қуввати ҳақида элимиз  
орасида қўлба  
афсона ва ривож-  
ятлар мавжуд.  
Мазкур ривоят-  
лардан бирида  
баён этилишича,  
Ажам мамлака-  
тидаги аёнлар-  
дан бирининг  
ҳусни малохатда тенги йўқ  
қизи ишқ дардига мўбало  
бўлибди. Узоқ сафардан  
қайтмаётган фотихали сев-  
гилиси ҳижронда кундан-  
кун озиб-тўзиб борибди.  
Хасталиги оғирлашиб,  
қўзлари кўрмай қолибди.  
Не-не ҳажиму кўролар да-  
воси қор бермабди. Сарой  
донимандларидан бири  
аёнга охири чора сифати-  
да қизининг қўлига ёқут би-  
лагузук тақиб қўйишни  
маслаҳат солибди.

— Ишқ дардини ёқут ола-  
ди, дейишади. Қолаверса, у  
хижрон рангини ўчириб,  
руҳда висол баҳрасини  
уйғотади.

Шўрлик ота иккиланиб,  
қизининг қўлига биллагузук  
тақибди. Мўъжизани қара-  
нги, эртасига қизининг қўзла-  
ри очилиб, рангига қизил-  
лик югурибди. Узини бардам

ҳис этиб, недандир қувончи  
ичига сиймас эмиш.

— Тушимда юрагимга бир  
нур кирди. Кейин бўлажак  
куёвингизни кўрдим. У  
Дамашқдан мендан хавотир-  
ланиб йўлга чиқибди. Нуқул,  
«Насиб этса, эртага сенинг  
ёнингга бўламан», дермиш.  
Аён ҳайратдан лол  
қолибди. Тааж-  
ҳубки, қизининг  
туши ўнг келиб,  
қўли тоғ чоғи  
халлослаб этиб  
қелибди. Қўви-  
нинг бўйида  
ёқут тумор, қизи-  
нинг биллагузук  
ёқут биллагузук  
бирдан жипола-  
ниб, нурланибди.

Ушбу ривоят ҳам ёқутнинг  
умид ва тасалли берувчи,  
ошиқларда жунуввор ишқ  
оловини пасайтириб, лаз-  
затбахш илқ ҳароратга ай-  
лантурувчи тош эканлигига  
ишора.

Мозийда ҳарбийлар, пол-  
вонлар, жаҳонгашталиққа  
мойил кишилар бўйида  
ҳамиша ёқут тумордай тур-  
ган. Сабаби ёқут қатъят,  
саб, куч ва ироданинг тим-  
соли ҳамдир.

Табиятда ёқутнинг алво-  
ни қизил, райхоний, баҳрий  
(денгиз рангли), заңдорий  
(заъфарон-мовий), зулмо-  
ний (тутун янглиғ қора),  
карросий (қуюқ яшил), осий  
(ноксифат) ва бошқа  
турлари учрайди.

Маннон НАБИЕВ.

## Наботот ажойиботлари

### Табиий мўйбастак


Африка минтақасида мўъжизагина наштарли  
лофрар номли ўсимлик ўсади.

Унинг қирқиб олинган чўпидан оғиз бўшлиғи ва тиш-  
ларни тазаловчи бинойидек мўйбастак ўрнида фойдала-  
ниш мумкин. Эътиборлиси, лофрар чўлида ментолсифат  
модда мавжуд бўлиб, у микроларни йўқ қилиш билан  
бирга, хушбўй ҳид ҳам таратади ҳамда тишлар зарарла-  
нишининг олдини олади.

### «Оқсоқол» саговник

Австралиянинг Квинсленд  
штатида 12 минг йиллик  
тарихга гувоҳ бўлган  
саговник дархати ўсади.

«Кекса» дархат шунча йил умр  
кечирган бўлса-да, ҳамон  
ям-яшил. Мутахассисларнинг  
фикрича, мазкур дархат, агар  
ташки муҳит таъсири бўлма-  
са, 15 минг йил ҳаёт кечири-  
ши мумкин экан.



## Қалбдаги суврат

Булун тушимга Оқмозортепа  
кирибди. Кўпқари бўлаётганимиш.  
Тузал бой бақовул, сурб:  
«Полончининг улга зотни бериб,  
улоқни ердан шул кўтарди», деб  
менинг отимни айтармиш. Мен  
эса «Этарга илдирган Қодир бой  
бўлади. Қодир бой олсин, ош  
бўлсин», дермишман. Кейин ча-  
вандозларнинг бари бақовул та-  
раф бўлиб олди. Мен: «Зот ке-  
ракмас. Агар хоҳласаларинг, мол-  
ни шу тепаликда сўйиб, ўтганлар-  
ни ёд этамиз», дебман. Қодир  
бой эса зотдан қуруқ қолганидан  
тайсаллармиш. Шу маҳал уйғо-  
ниб кетдим. Сал терга ботиб-  
ман. Ташқарига қарасам — зими-  
зиё. Осмонда Зухро юлдузи ча-  
рақлаб турибди. Демак, тонголди.  
Бошим гувиллайди. Нега бу  
тепалик тушимга кирди экан, деб  
ўйлай бошладим. Чамаси, бир ой  
мусофирчиликда бўлдим. Бир ой  
тугал Оқмозорга чиқмадим. Шун-  
гамкин?

қўй боққанман, улоқ чопганман. Хар  
тонги қуёшни шу ерда кутганман.  
Мана, тепаликнинг атрофида қиш-  
логимиз сочилиб ётибди. Бу макон-  
да баркирег инсонлар ашашади.  
Уларнинг тили билан амали бир,  
кўнгли ҳам беғубор.

Бу яқин ўртада Оқмозорда қадимий  
ва фаровон қишлоқ йўқ. Барига  
мана шу тепалик гувоҳ. Буяннинг  
айтишига кўра, тепалик ўрнида бир  
нимни даланинг бошига қадаб  
қўйинлар, бу даланинг ҳаққи», деб  
васият қилибди. Айтишларича, унинг  
кетмишидан мана шундай азим тол  
ўсиб чиққан. Энди эса ёз бўйи қўйи-  
вонлар сурувини шу тол соясида дам  
олдиради. Қўшлар ҳам қишан-ёзин  
даррахдан нари кетмайди. Шунинг  
учун оқмозорликлар Остонақул  
буянни мумдон тоғ қилишади.

Хўш, нариги тепаликдаги дархат-  
ни аяқотол, дейди. Кексаларнинг ай-  
тишича, бу тол Остонақул буяннинг  
кетмон дастасидан ўсиб чиққан экан.  
Остонақул бува катта деҳқон ўтган.  
Юз гектарлаб ерга полиз экиб, элу  
улоқ тарқатишдан чарчамаскан.  
Кўрасидаги қўйи эгиз турса, бирини,  
албатта, камхаржларга инъом қилар-  
кан. Унинг умри ана шундай саҳо-  
ватга тула бўлган. Кунлар ўтиб бу-  
яннинг қазоси яқинлашибди. Шунда  
ўғилларини ёнига қақриб, «Кетмо-

рон унга бир бурдадан лаҳм бера-  
ди. Бора-бора қуш одамга ўрганди.  
Кейин уни қафасдан чиқариб, ҳов-  
лига қўйиб юборадиган бўлди. Бур-  
гут узоққа кетмади, у даррахдан бу  
даррахга учиб юраверди.

Бир кун бургутни Эсон овчи  
қўриб қолибди. Кейин «Бургутини  
менга сот, ишқим тушиб қолди», деб  
туриб олибди. Шерон, «Сотмайман,  
ўзим боқаман», дебди. Шундан кейин  
қушни қафасга солиб қўядиган бўлди.  
Бургут эркинликка кўнжаниданими,  
сим тўрга ўзини отиб ураверди.  
Олдига ташланган гўштгаям қарамай  
қўйди. Сўнг бир ҳафта ичида озби-  
тўзиб кетди. Қуллин хола: «Бу сози  
ўлиб қолади. Бечорани ташқарига чи-  
қар, қанотларининг чигилини ёсин!»

Оқмозорнинг туни ҳам фароғатли. Шунинг учун туллари уйғониб  
кетаман. Бу бедорликнинг замирида ишқ борга ўхшайди. Ота макса-  
нга бўлган ишқ. Буни вужудим билан сезаман, ҳис қиламан. Шерон  
ҳам шу юртнинг ўғли. У Ватанини ҳеч нарсага тенглаштиролмайдди.

Шерон билан иргилилаб ўсган-  
миш. Мана, кап-катта бўлиб қолди.  
У ҳалиям қўшлар боқади. Эрталаб-

**Халқ сўзи**  
**Народное слово**  
МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъжмаси

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**  
2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан  
рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 703. 35388 нусхада босилди,  
ҳажми — 2 табоқ, офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нарҳда.  
ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона 233-52-55;  
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.  
ISSN 2010-8788

Газета таҳририят компьютер марказида  
терилди ҳамда операторлар  
Жамшед Тоғоев ва Мухаммадали Бегмуратов  
томонидан саҳифаланди.  
Т-Тижорат материал

• МАНЗИЛИМИЗ:  
100000, ГСП,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Набатчи котиб — Ю. Ҳамидов.  
Набатчи муҳаррир — У. Файзиёва.  
Набатчи — Д. Улуғмуродов.  
Мусаҳҳих — Ҳ. Тوشқўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмақонаси. Корхона манзили: «Буюк Тўқон»  
кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.30. Тошпирлиди — 23.10. 1 2 3 5